



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЊГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАХРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-
ПАЖӢҲӢШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**



МАВОДИ

анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович

МАТЕРИАЛЫ

научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича

MATERIALS

scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich

Панҷакент - 2021

МАВОДИ анчумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович – Панҷакент, 2021. – 884 с.

Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:

Ансорӣ М.Қ. – раис, Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Петрусеевич А.А., Эркинов А. С., Пулатов М.Э., (Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Х. (муовини раис ва котиби масъул), Абдуллоев Ш. У., Мақсудов З.О., Ансорӣ М.М., Комилов А., Исроилов С., Худойназаров М., Сирочзода Ф., Салихов Н., Турсунов Н., Ғаффоров Ш. С. Холиқова Р.Э. Эшов Б.(Ўзбекистон)

Муқарризон:

Қурбонов Ш., номзади улуми таърих, профессор (Тоҷикистон)
Турсунов С. доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)
Холиқова Р., доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор наомаданаш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always coincide with the opinion of the authors. Authors are responsible for the reliability of citations and references, the scientific level, and the style of articles.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчаласаи № 10 аз 28 декабри соли 2021).

© ДОТП, “Паёми донишкада”, “Анвори илм”,
“Тафаккури таърих” соли 2021.

askar bor edi. Bu esa kuchlarning notengligini ko'rsatardi. Askarlar safga tizilishib ulgurgan paytiyoq, turklarning jangga undovchi burg'u tovushi eshitildi va ular darhol urushga kirishishdi. O'zaro jang maydonida 400 arab askari qilichdan o'tkazildi va qolganlari qochishga shaylandi.¹ Narshaxiyning ta'rifiga qaraganda, Mahlab turk qo'shinlari tomonidan o'rab olindi va Mahlab yordam so'rab qichqirdi (uning ovozi yarim farhas uzoqlikka yetdi-deyiladi) O'sha zahoti Abdulloh ibn Jadon boshchiligida qo'shinning arablarga yordamga keldi va turk qo'shinlari bu safar ham jang maydonidan qochishdi. G'alaba uchun har bir arab askariga 2400 dirhamdan tegdi (Vamberi ma'lumotlarida 10 000 dirham deyiladi). Ammo arab qo'shinlari uchun Buxoroning mustahkam qal'asini egallashi amri mahol edi. Shunda Xotun ikki o'rtada sulh taklif qildi va Muslim ibn Ziyod qaytib ketdi.²

Yoshi o'tib ancha qarilab qolgan Xo'tak xotun endi taxtni 692-yilda o'z o'g'li Tag'shoda I Bidun o'g'li Buxorxudotga beradi. Ko'p o'tmay o'sha yilning o'zida Xotun olamdan ko'z yumdi.

Xotunning hukmronlik faoliyati arablar tomonidan xalqning qoni to'kilmaganligi, hukmdorning ayol bo'lsa ham mard, jasur qaror chiqarayotganda xalqning tinchligi, farovonligini o'ylab ish ko'rganligi bilan xarakterlidir. Islomda shariat qonunlariga binoan ayollarga jabr qilinmagan va shu tariqa tinch yo'l bilan siyosiy kelishuvlar amalga oshirib, aholining manfaatlari uchun xizmat qilgan desak xato bo'lmaydi.

Xullas, Xutak xotun boshiga kelgan barcha musibatlarga, ashaddiy bosqinchilarga dosh berdi, mamlakat hududlarini vayronagarchilikdan saqlashga erishdi va mahalliy madaniyatni bir qadar saqlab qolishga erishdi. Xutak xotun tariximizning buyuk ayol qahramonlaridan bo'lib, tariximizning boyishiga va xalqimiz orzu qilar darajada farxlanishga arziydigan, tariximizda o'chmas iz qoldirgan shaxsdir.

ЎҒУЗ ТУРКМАНЛАРНИ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

А.И.Тўраев

БухДу “Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Тарихдан маълумки, Туркменистонда қадим замонлардан бери инсоният яшаб келаётган манзигоҳ ҳисобланади. У ернинг энг қадимги аҳолиси массагетлар бўлиб, хўжалик фаолиятида асосий тармоқ чорвачилик билан кун кечириб, кўчманчи ҳаёт тарзини ўзлари учун мақбул деб билганлар. Туркман халқининг аجدодлари азалдан кўчманчи ҳолда яшаганликлари учун ҳам кейинги авлодлари XVII-XIX асрларгача бу анъанани давом этириб келган.

Туркманларнинг аجدодлари милoddan аввалги VI-IV асрларда Аҳомонийлар империяси таркибига киради, милодий III асрнинг бошларида Парфия давлати заифлашар экан Сосонийлар Туркменистоннинг жанубида назоратни ўрнатадилар. V асрда бу ҳудуд эфталитлар томонидан босиб олинган бўлса, VII аср ўрталарида араблар Хуросонга бостириб киришди ва кўп ўтмай Туркменистоннинг жанубий-шарқидаги Марвни пойтахт қилиб оладилар. Бухорода Сомонийлар сулоласи IX аср охиридан то X аср охирларигача Ғазнавийлар кучайгунига қадар Туркменистоннинг катта қисми устидан ҳукумронлик қилди. Туркманлар этногенезида ҳал қилувчи оқим бироз кечроқ ўғуз қабилалари (асли Мўғулистондан) X асрда Урал ва Орол денгизи оралиғидаги

¹ O'sha asar. –B. 10-11.

² Narshaxiy. Buxoro tarixi. T.:“Fan”. 1966. -B.43.

ҳудудларга кўчиб келиб ўрнашганлар¹. Ўғузлар аср охирига келиб Сирдарёнинг ўнг қирғоқини егаллаб олиб, шу ҳудудда ислом динини қабул қилганлар.

Ҳозирги вақтда тарихчи ва элшунос олимлар томонидан аниқланиши керак бўлган муҳим вазифалардан бири ўрта асрларда туркманларнинг ўрнашган манзилгоҳлари, VIII-X асрларда жойлашган ҳудудларининг табиий географик ҳолати, аҳолининг машғулоти турларини аниқ кўрсатишдир. Бу муаммо туркманлар этногенездаги муаммолар билан узвий боғлиқдир. Халқ орасида бу борада аниқ фикрлар юритилмай келинаётганлиги ҳам туркманларни даслабки яшаб қолган ҳудудларини илмий асосда ўрганишни тақоза қилади.

Фанда туркманлар, Туркменистон ҳудудига Салжуқийлар ҳаракатига боғлиқ ҳолда XI аср биринчи ярмида кириб келиб, ўрнашганликлари тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган. XI асргача ва ундан сўнг ҳам туркман ёки ўғуз халқи ўрта ва қуйи Сирдарё бўйларида, шунингдек, Элба ҳамда Ёйиқ (Урал) дарёлари оралиғида яшаганлар. Агар шу нуқтаи назардан қаралса, туркманлар ҳозирги Туркменистон ҳудудига XI асргача уларнинг вақтинча Хоразим ёки Хуросон ҳудудларига қочиб ўтишлари даврида юз берган².

VIII-X асрларда туркманларнинг шилолий чегараси Ёйиқ (Урал) дарёсигача, жанубий чегараси ҳозирги Туркменистоннинг ҳозирги жанубий чегаралари билан бир хил, ғарбий чегараси Каспий денгизигача, шарқий (жанубга оған ҳолда) Ўтрор линиясигача чўзилиб, Чоржўй, Мари ва Сарахсни ўз ичига олган³.

Маҳмуд Қошғарийнинг фикрига кўра туркманларнинг дастлабки мамлакати ҳозирги Туркменистон ҳудуди эмас, Сирдарё ҳавзаси бўлган деб такидлайди. Бунга сабаб, туркманларнинг асосий қисми ўзларининг қадимги ҳудудларида яшаганликлари бўлса керак. Туркманларни дастлабки ватанлари қайси манзил, ҳозирги кунда бу ҳудуд каерга тўғри келиши қолаверса, туркманлар кўчманчи аҳоли бўлганликлари учун ҳам XII-XIX асрлар давомида кўчиб ўтган жойларига аниқлик киритиш бирмунча машақатлидир. Чунки, уларнинг ҳаётида кўчманчи ҳаёт тарзи устун бўлганлиги ва бу узоқ вақтгача давом этганлиги, туркманларнинг уруғ-қабилалари сони кўп бўлиши, уруғ-қабилачилик узоқ вақтгача сақланиб қолиши уларни алоҳида-алоҳида манзилларда яшашига олиб келган. Советская этнография том V том.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотларга таяниб, ўғуз гуруҳлари X аср охирларига келиб Сирдарёнинг ўнг қирғоқларига келиб жойлашган бўлсалар, Туркменистоннинг ғарбий раёнларига XI асрнинг биринчи ярмида келиб ўрнашиб, тирикчилик манбаи сифатида асосий тармоқ чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан кун кечирганлар.

Туркманлар этногенезини ўрганиш бугунги кундаги элшунос олимларнинг вазифасиларидан биридир. Ўзбеклар билан бир қаторда туркманлар ҳам шундай халқки, улар Ўрта Осиёнинг катта ҳудудида ўзига хос ўринга эга бўлган. Ҳозирги вақтгача туркманлар этногенезига оид асарлар, китоблар ёзилмаган. Туркманлар этногенезига оид мақолалар чоп қилинган лекин у ҳам бўлса тил хусусиятлари, туркманларнинг ўзига хос ташқи кўриниши ҳақида (узун бошлиги) айтиб ўтилган. Бугунги кунда туркманларнинг этник шакилланишида муҳим рол ўйнаган қабила ва уруғларининг номини билиш, уруғлар ичидаги бўлинишни ўрганиш бир мунча машақатли кечмоқда. Чунки, туркман уруғ-қабилаларнинг кўплиги, уруғ ичидаги бўлинишни узоқ асрлар давомида давом этиб келганлиги боисдан десак хато бўлмайди.

¹ Shirin Akiner. Islamic peoples of the Soviet union. Kegan Paul International. London.-P.314.

² Якубовский А. Ю. Вопросы этногенеза туркмен в VIII-X вв. // Советская этнография № 3. Издательства Академии наук СССР.-Москва: 1947. – С.48.

³ Ўша асар.-С.48.

Элшунос олимлар ҳанузгача туркман қабилалар сони борасида бир тўхтамга келишмаган. Қабила ва уруғларни бир-бирига қўшилиб кетган ҳолатларига ҳам шохид бўлдик. Ўғуз уруғлари сони борасида ҳам бир тўхтамга келиш қийин. Мисол учун тарихчи ва элшунос олим О. Туманович ўзининг Туркменистан и туркмены (материалы к изучению историй и этнографий) деб номланган китобида ўғузларнинг ҳаммаси бўлиб, эллик бирта катта-кичик уруғлари бўлган деб таъкидласа, ушбу китобда VIII асрда солурлар Сирдарё томон келиб, араблар уларни Моворауннаҳр ҳудудига жойлаштирди, улар қирқта уруғдан иборат эди¹, деб айтиб ўтади. Биргина солурларга тегишли уруғларни сони қирқта бўлса, барча ўғуз уруғлари сони бизнингча кўпчиликни ташкил қилса керак.

Туркманлар этногенизида муҳим рол ўйнаган ўғуз уруғларининг тарихи, номланиши ва улар қандай маънони ифодалашди, тили ва моддий маданиятини ўрганиш орқалигина, туркманлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар тасавурида ҳосил бўлади.

Туркман халқларининг этногенези, шаклланиш даври, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга тарқалиши, хўжалиги, маданий ва маънавий ҳаёти оид маълумотларни ўрганиш VIII-IX асрлардан бошланган. Жумладан, қомусий олим Абу Райҳон Бериунининг “Минералогия” асарида кейинчалик Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатут-турк” ва XVII асрда яшаган тарихчи Рашидиддининг “Жомеъ ат-таворих” асарларида ўз ифодасини топган. Туркманларнинг аجدодлари тарихини ёзган Хоразм ҳуқумдори Абдул-Ғози Баҳодирхон бўлиб, у 1660 йилда “Туркманлар шажараси” деб номланган асарни ёзиб, бу асарида туркман шажаралари ҳақида маълумот беради². Аммо бу маълумотлар ҳам туркманлар шажараси тўғрисида тўлиқ маълумот ҳисобланмайди. Чунки Маҳмуд Қошғарий туркманлар шажараси тўғрисидаги маълумотларни охирига етказмаган, воқеаларда афсона ва ривоятлар ҳам жой олган. Бошқа тамондан эса бу асарда жуда катта муддат қамраб олинган бўлиб, кўпгина қимматли маълумотлар берилган.

Туркман этнонимига тўхталадиган бўлсак, туркман номи V-XI асрлардан дастлаб форсча кўплик шаклида “Туркманак” кўринишида ишлатилган. Келиб чиқишига кўра туркманлар Турк қабилаларининг жаубий-ғарбий Олтой гуруҳига киради. Улар ўтмишда Туркистон ва Эрон ерларида унга яқин бўлган чўл ҳудудларида ўтроклашиш жараёнини асрлар давомида бошларидан кечиришган. Вақт ўтиши билан Моварауннаҳр ҳудудида янги қабилалар пайдо бўлиб, улар туркий тилда гаплашиб, бошқа халқлар “Турманенд”- “Туркларга ўхшашлар”, “Турк-мен”-“Ман-турк” деб атаганлар. Шу орқали доимий муомилада бўлиб келган “Турманен” этноними “Туркман” деб айтилган. Яна шундай тахмин борки “Туркман” номини улар яъни, ўғузлар араблардан олганлар. Ўғузлар томонидан жангларида араблар қаттиқ қаршиликка учраб, уларнинг келиб чиқишини билмасдан шундай ном билан атаганлар. “Туркман” сўзи араб тилида “Турк-ман”, “Турк қалби, турклар жони”, бу гапнинг кўчма маъноси-“Турк одамлари” деган маънони билдирган³.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, туркманларнинг этник тарихи, этногенези, тили, маънавий ва моддий маданиятни ўрганишда биринчи навбатда ўғуз қабилаларининг яшаш тарзини, уруғ-қабилавий бўлинишини, уларнинг тилини, хўжалик маданий типларини ўрганиш орқали билиб олишимиз мумкин. Чунки бугунги кунда ҳам туркман уруғ-қабиларининг номида ўғузлар уруғи билан боғлиқ номларни, тилдагидаги яқинликни кўрамыз.

¹ Туманович О. Туркменистан и туркмены. Ашхабад-Полторацк. 1926. - С.74.

² Туманович О. Туркменистан и туркмены. Ашхабад-Полторацк. 1926. - С.75.

³ Туманович О. Туркменистан и туркмены. Ашхабад-Полторацк. 1926. - С.88.

TURKISTON TO‘PLAMI - NOYOB BIBLIOGRAFIK ASAR

To‘rayeva Guli Bahridinovna
Buxoro davlat universiteti (O‘zbekiston)

Аннотация: Мақоллада «Turkiston to‘plami» (Turkestanskiy sbornik)ning yaratilish tarixi va bunga hissa qo‘shgan bibliograf olimlar faoliyati haqida tarixiy ma‘lumotlar tahlil qilingan. To‘plamning yaratilish tarixi, 594 jilddan iborat ensiklopediya sifatidagi tarixiy ahamiyati haqida faktik materiallar berilgan.

-The article gives an idea of the history of the creation of the Turkestan collection and the activities of scientists who contributed to it. The collection was created as an encyclopedia, consisting of a total of 594 volumes. Scientific value is high and is currently also the basis for scientific research.

Калит сўзлар: Turkiston to‘plami, Fon Kaufman, bibliograf VM. Mejev, Turkiston Xalq kutubxonasi, E. K. Betger

Keywords: Turkistan collection, fon Kaufman, bibliographer VM. Mezhov, Turkistan Public Library, E. K. Betger

«Turkiston to‘plami» (Turkestanskiy sbornik) ning yaratilishida va kutubxonachilik tarixida o‘chmas iz qoldirgan shaxs - general fon Kaufman hisoblanadi. Fon Kaufman topshrig‘i bilan “Turkiston to‘plami” ni shakllantirish ishlari o‘z ishining ustasi mashhur bibliograf V.I. Mejev zimmasiga yuklanadi. 1868 yilda boshlangan ushbu sa‘y-harakat natijasida Turkiston haqida XVIII-XIX asrlarda rus, ingliz, nemis, frantsuz, ispan, italyan va lotin tillarida yozilgan 4 600 nomdagi kitob, risola, jurnal va gazetalarda chop qilingan maqolalar 416 jildga to‘planadi. Yig‘ilgan axborotlar siyosiy va harbiy, tarix, jismoniy tarbiya, matematika va siyosiy jug‘rofiya, etnografiya, huquqshunoslik ilmlari, siyosiy iqtisod, tarixiy fanlar, aniq fanlar, tibbiyot, matematika, statistika, qishloq xo‘jaligi, ishlab chiqarish usullari (texnologiya), adabiyot va tilshunoslik, san‘atshunoslik sohalarini qamrab olgan bo‘lib, bibliografiya bo‘limlariga ajratiladi.

Turkiston ommaviy kutubxonasining bunyod etilishi general fon Kaufmanni barcha harbiy ishlaridan ham ko‘ra ko‘proq mashhur qildi. U kutubxonasi ayni shakllanib, faoliyati yo‘lga qo‘yilgan paytda 1882 yili 4 may kuni Toshkentda vafot etadi [1].

Turkiston to‘plami - O‘rta Osiyo haqidagi alohida kitoblar, gazeta va jurnal qirqimlaridan tuzilgan bo‘lib, jami 594 jilddan iborat. Uning 1867—1887 yillarga oid materiallarni o‘z ichiga olgan 416 jildi bibliograf VM. Mejev tomonidan tayyorlangan. U matbuotda O‘rta Osiyo haqida e‘lon qilingan barcha ma‘lumotlarni kiritishga harakat qilgan. To‘plamni nashr etish ishlari 1888 yilda Turkiston ma‘muriyati ko‘rsatmasi bilan to‘xtatilgan, faqat 1907 yilga kelib qayta davom ettirilgan [2].

"Turkiston to‘plami"ning davomini tuzishga O‘rta Osiyo haqidagi adabiyotlar bo‘yicha mutaxassis N.V. Dmitrovskiy, etnofaf A.A. Divayev, “Turkiston xalq kutubxonasining” mudiri I.P. Zikov, sharqshunos olim Yu.F. Bonch-Osmolovskiylar jalb etilgan. Ular hamkorligida to‘plamning yana 127 jildi tuzilgan. Bibliograf va kutubxonashunos A.A. Semyonov 1911—1916 yillarda "Turkiston to‘plami"ning 48 ta jildini tuzdi. Bu to‘plam tuzilish jihatdan ilgarigilardan yuqori turadi. Bibliograf Ye.K. Betger tahriri ostida 1939 yilda "Turkiston to‘plami" ning so‘nggi 3 jidi tuzilgan.

**МАСОИЛИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРӢ ВА МАНБАЪШИНОСИИ ТАЪРИХИ ХАЛҚҲОИ
ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВСРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL
HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA**

		Л.Н.ГУМИЛЕВ ЭТНОГЕНЕЗ ВА БИОСФЕРАИ ЗАМИН (ПЕРОМУНИ СИННУ СОЛИ МИЛЛАТ Ё УСУЛИ МУАЙЯНСОЗИИ ИНКИШОФИ ХАЛҚИЯТ ВА ЧАРО АБАДИЯТ НАСИБИ ОНҲО НАХОҲАД ШУД - ДАР ҚАРИЯИ ЗАМОН ВА ТАЪРИХ)	
162.	Темирова Гулирухсор	ТУРКИСТОН ҲАҚИДА МУДАРРИСЛАР ТАРИХИ	644
163.	Темирова Мунира Амиркуловна	ЭСКИ ТЕРМИЗ СИМОБКЎЗАЧАЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ	646
164.	Темиров Фаррух Умедович	САДРИДДИН АЙНИЙНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ҲАҚИДА - ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА	649
165.	Толибжонов Азиз	АБДУКАДЫР ШАКУРИ - ПЕРЕДОВОЙ ПРОСВЕТИТЕЛЬ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ	653
166.	To'rayev A.I., Hayotov F.U.	XOTUN PODSHOH AYOL SIYUMOSIDAGI QANRAMON	657
167.	Тўраев А.И.	ЎҒУЗ ТУРКМАНЛАРИ ЖОЙЛАШУВИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР	660
168.	To'rayeva Guli Bahriddinovna	TURKISTON TO'PLAMI - NOYOV BIBLIOGRAFIK ASAR	662
169.	Тўраева Гули Баҳриддиновна	Г. МЕЙЕНДОРФНИНГ “ОРЕНБУРГДАН БУХОРОГА САЁҲАТ” АСАРИ - БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР ҚИММАТЛИ МАНБА	665
170.	Turdiyev Bekruz Sobirovich	UZBEKISTAN - TAJIKISTAN: ON THE WAY TO A NEW STRATEGIC PARTNERSHIP	669
171.	Tursunqulov Sanjar Dilmurod o'g'li	XX-CENTURY 1900-1960 SPANISH LITERATURE	671
172.	Турсунов Назирҷон Очилович, Исомитдинов Жорабек Бобобекович	ИНЪИКОСИ БАЪЗЕ ВОҚЕЪАҲОИ ИҚТИМОИВУ СИЁСӢ ВА ЭТНИКИЙ МИНТАҚАҲОИ МУХТАЛИФИ ТОҶИКИСТОН АЗ ҶОНИБИ ОЛИМОНИ РУС ДАР ИБТИДОИ СОЛҲОИ 90-УМИ АСРИ XX	675
173.	Турсунов Назирҷон Очилович, Шарипов Муҳаммад Маъруфович	РИСОЛАИ «ОДОБ-УЛ-ҲАРБ ВА-Ш- ШУҶОАТ» - И ФАХРИДДИН МУБОРАКШОҲ - САРЧАШМАИ ТАЪРИХӢ РОҶЕЪ БА ИЛМИ ҲАРБ ВА САНЪАТИ ҲАРБИИ ТОҶИКОН	679